

## FAZNAЧИЛИК РИСКИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ

*Рахимов Шахзод Махсуджанович**Мустақил тадқиқотчи*

**Аннотация.** Мақолада фазначилик рискининг умумий рискларни гуруҳлаштиришдаги ўрни, унинг ўзига хос хусусияти, давлатнинг иқтисодий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар ва вазифаларини бажариш пайтида юзага келиш оқибат ҳамда сабаблари, молиявий рискларнинг мустақил тури сифатида намоён бўлиши тўғрисида таҳлиллар келтирилган.

**Калит сўзлар:** фазначилик рисқи, молиявий риск, риск омиллари, фазначилик фаолияти.

Кўпчилик мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистонда бюджет ижросининг фазначилик тизими органларига ўтиши тўпланиб қолган кўплаб муаммоларни самарали ечиш имкониятини келтириб чиқарди. Бу ўз навбатида фазначилик органларига хизмат кўрсатиш механизмини соддалаштириш ва бюджет маблағларини тўлдириш ва мақсадли фойдаланиш устидан самарали назоратни ўрнатиш имконини берди. Фазначилик органлари ривожланишининг ҳозирги босқичида идоравий (ички) назорат жараёнини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш вазифаси долзарб бўлиб қолмоқда. Ички назорат тизимининг муҳим элементларидан бири бу фазначилик рискларини (операцион, техник-технологик, имиж ва бошқалар) таҳлил қилишдир.

Шу муносабат билан, фазначилик рискларининг табиати ва ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг фазначилик органларининг амалий фаолияти натижаларига таъсири бўйича илмий тадқиқотларни олиб боришни талаб қилади. Фазначилик фаолиятининг барча жабҳаларида фазначилик рискларини бошқариш учун тегишли воситалар, усуллар, методлар ва ечимларни ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Фазначилик тизимида яратилган ички назорат ва аудит тизими белгиланган фаолият соҳасида давлат функцияларини бажариш устидан идоравий назоратни амалга оширишга қаратилгандир. Фазначилик рискларини таҳлил қилиш ушбу тизимнинг муҳим ташкил этувчи элементларидан биридир. Бугунги кунга қадар тадқиқотчилар ва амалиётчилар “риск” тоифасининг аниқ таърифини ишлаб чиқмаганлар. Шу билан бирга, ихтисослаштирилган адабиётларда келтирилган “риск” таърифининг мазмуни бўйича муаллифларнинг фикрлари доираси жуда кенгдир ва у турли соҳаларда турлича талқин қилинади.

Иқтисодий адабиётларда, бир томондан, риск йўқотиш ёки муваффақиятсизлик эҳтимоли сифатида ҳам қабул қилинади. Б.А. Рейзенберг,

Л.Ш.Лозовский, Э.Б.Стародубцеваларининг фикрига кўра, “риск – бу иқтисодий фаолият шароитларининг тасодифий ўзгариши, ноқулай шароитлар туфайли кутилаётган фойда, даромад ёки мулк, маблағларнинг кутилмаган йўқотиш хавфи”[1]. Н.В.Хохлов рискни “прогноз қилинган вариантга нисбатан оғиш ёки даромадни йўқотиш эҳтимоли” деб тушунади[2]. А.Г.Каратуевнинг таъкидлашича, “риск – бу, одатда, молиявий йўқотишларга олиб келадиган, хўжалик юритувчи субъект учун ноқулайликларнинг юзага келиши эҳтимоли”[3]. М.М. Максимцова, А.В. Игнатиева ва М.А. Комаровлар рискларни соф ва спекулятив турларга бўлишади ва улар ўз навбатида тижорат ва молиявий рисклардан ташкил топади. Илмий адабиётларда иқтисодий рискни талқин қилишнинг турли йўналишлари мавжуд. Кўпинча у эҳтимоллик, хавф ёки зарар сифатида аниқланади.

Иқтисодий категория сифатида рискнинг содир бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин бўлган ҳодисадир. Агар бундай ҳолат юз берса, унда иқтисодий натижа қуйидагича бўлади: салбий (зарар, йўқотиш); ноль (нейтрал); ижобий.

Иқтисодий адабиётларда “молиявий риск” тоифаси ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Молиявий риск – бу молия-кредит ва биржа соҳасидаги ҳар қандай операциялар, қимматли қоғозлар билан операциялар натижасида зарар етказиш эҳтимоли, яъни молиявий операцияларнинг моҳиятидан келиб чиқадиган рисклардир.

Риск бошқарув қарорларини қабул қилишнинг муқаррар элементиدير. Риск бошқарув фаолиятининг ажралмас қисми сифатида субъектнинг бир нечта мумкин бўлган вариантлардан битта вариантни (ечимни) танлаш имкониятини назарда тутаяди. Замонавий тадқиқотлар риск табиатини турли нуқтаи назарлардан ўрганади. Бунда субъектив ва объектив эҳтимоллик мавжуд бўлади.

Бир қатор муаллифларнинг фикрига кўра, риск – бу мумкин бўлган хавфнинг ҳақиқатга айланиши натижасида инсонлар, жамият, ташкилотлар ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа субъектлари ўртасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш имкон берадиган объектив категориядир. Бунда риск салбий оқибатларнинг тасодифий юзага келиши мумкин бўлган хавфни ифодаловчи тушунча сифатида қаралади.

Рискнинг субъектив тушунчаси анча кенг тарқалгандир. Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, риск ҳар доим субъективдир, чунки у инсоннинг ҳаракатни баҳолаши, мумкин бўлган бошқа вариантларни ҳисобга олган ҳолда онгли танлов сифатида ишлайди. Субъектив риск концепцияси ҳаракатнинг предметиға қаратилган бўлиб, унинг оқибатларини англаш ва хатти-ҳаракатни танлашни ҳисобга олади. Шу нуқтаи назардан, рискнинг намоён бўлиши ҳар доим инсоннинг иродаси ва онги билан боғлиқдир, риск – бу хавф ва мумкин бўлган оқибатларни ҳисобга олган ҳолда ҳулқ-атворни танлашдир.

Шуни таъкидлаш керакки, рискларнинг табиатини ўрганишда асосий нуқта хавф ва ноаниқлик ўртасидаги боғлиқлик ҳисобланади.

Рискнинг бир нечта таърифларини таҳлил қилиш “риск” тушунчасининг характерли хусусиятларини аниқлашга имкон беради:

- ҳаракат натижасининг ноаниқлиги;
- кутилаётган ноқулай натижалар эҳтимолининг мажбурий мавжудлигини назарда тутати;
- қарор қабул қилишнинг муқобил вариантлари мавжудлиги билан тавсифланади;
- йўқотишлар ёки қўшимча фойда олиш эҳтимолини назарда тутати [4, 5, 6].

Белгиланган фаолият соҳасида ўз ваколатларини амалга оширишда ғазначилик органлари рискнинг объектив мавжудлиги маконида фаолият юритадилар. Ғазначилик тизимининг асосий rischi шундан иборатки, тўловларни амалга оширишда бюджет маблағлари эгаси ёки уни олувчи томонидан бирор бир сабабга кўра юз берадиган хато ёки ғаразли ниятда амалга ошириладиган ҳаракатларнинг мавжудлик эҳтимолидир.

Мижозларнинг шахсий ҳисобварақларидан нақд пул тўловларини амалга оширишда riskни камайтириш учун бюджет маблағларини олувчи томонидан ғазначилик органларига қоғоз ёки электрон ташувчиларда тақдим этилган тўлов ҳужжатларининг реестр маълумотларига мувофиқлигини назорат қилиш амалга оширилади.

Ғазначилиқда risk менежерининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: юқори risk соҳасини аниқлаш; risk даражасини баҳолаш; рискларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; батараф этилмайдиган riskлар хавфни минималлаштириш; ғазначилик riskи даражасини оптималлаштиришни таъминлашдир.

Ушбу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, харажатларни оптималлаштириш учун ғазначилик riskларини ҳисобга олиш ва ваколатли бошқаришни ташкил этишни тизимлаштириш керак бўлади. Бундан ташқари, ғазначилик ва унинг ҳудудий органлари фаолиятининг функционал ва техник стандартларини такомиллаштириш билан ғазначилик фаолияти сифатини ҳар томонлама яхшилаш учун бошқарув тизимига технологик жараёнларни жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарурдир.

Афсуски, маҳаллий иқтисодий фанда “ғазначилик riskи” иқтисодий тоифасининг умумий қабул қилинган назарий қоидалари моҳиятан мавжуд эмас. Ғазначилик riskи тушунчаси ҳали ишлаб чиқилмаган ва амалиётда у аралаш ҳолда кўриб чиқилади.



Шундай қилиб, ғазначиликда рискни идентификациялаш (аниқлаштириш) ғазначилик операциялари доирасида натижаларнинг ноаниқлигига олиб келадиган ҳодисаларнинг ривожланиши омилларини аниқлашдан иборат бўлиши керак.

Ғазначилик rischi даражаси бу йўқотишлар (зарар) ҳажми ва уларнинг юзага келиш эҳтимолига қараб ҳисобланган ёки тахминий қийматдир. Агар riskли ҳодисаларни (масалан, ишбилармонлик обрўсини йўқотиш натижасида этказилган зарарлар) миқдорий баҳолашнинг иложи бўлмаса, одатда қуйидаги risk даражалари қўлланилади:

– жуда паст risk, бу ҳодиса (омил) ғазначилик органлари мақсадларига эришишга сезиларли таъсир кўрсата олмаслигини аниқлатади;

– паст risk – riskларни бошқаришнинг тегишли усуллари билан фойдаланган ҳолда мумкин бўлган йўқотишларнинг олдини олиш мумкин;

– юқори risk – ғазначилик органлари фаолиятининг мақсадларига, кўрилган чораларга қарамай, сезиларли кечикишлар ёки йўқотишлар билан эришиш мумкин;

– жуда юқори risk – бирор ҳодиса ёки омилнинг оқибатида мақсадларга эришишга таҳдид солади, бунда riskдан четга чиқиш керак бўлади.

Ғазначилик riskларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

– операцион (маъмурий регламентларда, технологик ҳужжатларда, давлат хизматчиларининг лавозим регламентларида технологик операциялар мазмуни ва тузилиши тўғрилиги ҳамда ушбу меъёрий-ҳуқуқий нормаларнинг амалга оширилишини оптималлаштириш билан боғлиқ);

– техник ва технологик (кўп сонли техник воситалар, махфий маълумотларни ҳимоя қилиш ускуналари, коммунал тармоқлар ва бошқаларни ишончли ишлатиш ва самарали бошқариш зарурати туфайли);

– имиж (тегишли ваколат соҳасида амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар нуқтаи назаридан ваколатли шахслар томонидан қарор қабул қилиш жараёнининг қонунийлиги ва ваколати нуқтаи назаридан таваккалчилик сифатида аниқланади).

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида ғазначилик riskининг ўзига хослиги ва моҳиятининг асосий хусусиятлари, умумий ғояси, уни бошқа risk турларидан ажралиб туриши ва ушбу тоифага умумий таърифини шакллантиришга имкон беради, жумладан:

– Ғазначилик riskи давлатнинг иқтисодий соҳасида ўзини намоён қилади ва ғазначилик органлари томонидан бюджет тизимининг касса ижроси билан боғлиқдир. Шундай қилиб, ғазначилик riskининг иқтисодий моҳияти келиб чиқади, бу пул қийматига эга бўлиб, ўз навбатида riskнинг молиявий

хусусиятини белгилайди ва уни молиявий рискнинг бир тури сифатида қараш мумкин;

– ғазначилик rischi барча даражадаги бюджетларга солиқлар, йиғимлар ва бошқа даромадларни ҳисобга олиш ва ҳисоблаш, бюджетдан нақд пул тўлаш, ягона ғазначилик ҳисобварағидаги молиявий активлар билан операцияларни бошқариш билан боғлиқ барча операциялар, жараёнлар билан бирга кечади. У бюджет муносабатлари субъекти фаолиятидаги объектив ҳодисадир. Ғазначилик riskининг субъектив кўриниши ғазначилик органлари ўз ваколатларини белгиланган фаолият соҳасида амалга оширганда юзага келади. Шундай қилиб, ғазначилик riskи объектив-субъектив хусусиятга эгадир;

– risk ҳодисаси юз бериши ёки бермаслиги мумкин. Бу ғазначилик riskининг юзага келиши ва амалга оширилиши эҳтимолини ифодалайди;

– ғазначилик risk даражаси бир хил эмас, у ташқи ва ички омиллар таъсирида, вақт ўтиши билан ўзгариб туради;

– ғазначилик riskи қарор қабул қилишнинг муқобил вариантлари мавжудлиги билан тавсифланади.

Иқтисодий ва молиявий riskларнинг муҳим ҳамда ташкил этувчи параметрларидан келиб чиқиб, ғазначилик riskи иқтисодиётнинг давлат секторида намоён бўлади, объектив-субъектив хусусиятга эга, унинг юзага келишининг эҳтимоллик хусусиятига эга деган хулосага келиш мумкин. У “молиявий risk” тоифасининг бир туридир. Ғазначилик riskи ўз табиатига кўра ҳар хил оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, кутилган натижанинг эҳтимолини аниқлаш мумкин, сабаби тегишли маълумотларни олиш усуллари riskни объектив ҳисоблаш имконини беради. Масалан, бугунги кунда турли даражадаги бюджетларда даромадларни ҳисоблаш, ҳисобга олиш, тақсимлаш билан боғлиқ тартиб механизмлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва бюджет қонунчилигидаги номутаносибликлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш имконини берувчи жуда катта ҳажмдаги маълумотлар тўпланган. Бундан ташқари, ғазначилик тизими ва давлатнинг бюджет сиёсати тўғрисида тўпланган маълумотларнинг мунтазам тизимлаштирилиши туфайли ғазначилик riskи ҳам ошиб бормокда.

Шундай қилиб, “ғазначилик riskи” иқтисодий категория сифатида ғазначилик органлари томонидан тақдим этиладиган хизматларнинг сифат кўрсаткичларининг оғиш эҳтимоли билан тавсифланган субъектив-объектив хусусиятга эга бўлган “молиявий risk”нинг бири туридир.

Ғазначилик riskларининг юзага келиши ташқи ва ички омиллар билан боғлиқдир. Ғазначилик органлари фаолиятидаги ғазначилик riskи омилларининг таснифи 1-расмда келтирилган.



**1-расм. Ғазначилик органлари фаолиятида ғазначилик rischi омиллари таснифи<sup>1</sup>**

Ғазначилик riskларининг ташқи омиллари ғазначилик органлари фаолияти билан бевосита боғлиқ эмас, улар мамлакатдаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазиятга боғлиқдир. Ташқи омиллари таҳлил қилишда давлатнинг иқтисодий ривожланиш тенденциялари ва унинг бюджет сиёсати ҳисобга олинади.

Ғазначилик rischi пайдо бўлишининг ички омиллари ғазначилик органлари тизимининг фаолияти билан бевосита боғлиқ: объектив ва субъектив характерга эга бўлган салбий ҳолатлар (масалан, ғазначилик органлари ходимлари томонидан белгиланган жараёнларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ва бошқалар).

Таклиф этилаётган тасниф тўлиқ ва яқуний эмас. Бу ғазначилик riskини таснифлаш ва янада такомиллаштириш мумкинлигини англатади.

Шундай қилиб, “ғазначилик rischi” иқтисодий категориясининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, келтирилган таърифнинг мазмунини назарий асослаш ва тушунтириш, уни бошқа risk турларидан ажратиб кўрсатиш,

<sup>1</sup> Адабиётлар шарҳи асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



ғазначилик рискларининг юзага келиши омилларини ғазначиликнинг жорий фаолиятига таъсирини таснифлаш имконини беради.

Ушбу турдаги рискларни бошқаришнинг назарий-услубий асослари ва воситаларини ишлаб чиқиш, хатолар сонини камайтириш (минималлаштириш), ғазначилик рискларини самарали бошқариш, давлат хизматлари сифатини яхшилаш ва ғазначилик органлари томонидан давлат функцияларини бажариш ҳамда бюджет маблағларини самарали сарфланиши таъминланади.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. 5-е изд., перераб. и доп. М.: ИНФРА-М, 2007. 358 с
2. Альгин А.П. Риск и его роль в общественной жизни. М.: Мысль, 1989. 188 с
3. Каратуев А.Г. Финансовый менеджмент: учеб. пособ. М.: ФБК-Пресс, 2001. 378 с
4. Балабанов И.Т. Риск-менеджмент: учеб. пособ. М.: Финансы и статистика, 1996. 260 с.
5. Фишер О.В., Чанкселиани Л.Г. К вопросу определения категории налогового риска налогоплательщика // Финансы и кредит. 2010. № 15. С. 47– 51.
6. Филин С.А. Финансовый риск и его составляющие для обеспечения процесса оценки и эффективного управления финансовыми рисками при принятии финансовых управленческих решений // Финансы и кредит. 2002. № 3. С. 21– 31.